

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ВА
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.28.02.2018.Т.03.04 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ЯКУБОВ ЛАЗИЗХАН ЭРГАШХАНОВИЧ

**МИС ҚОТИШМАЛАРИНИ СУЮҚЛАНТИРИШ ДАВРИДА РЕСУРС
ТЕЖАМҚОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАЙДИГАН ТЕХНОЛОГИЯНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**05.02.01 – Машинасозликда материалшунослик. Қуймачилик. Металларга термик ва
босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металлар металлургияси
(Қуймачилик ва металларга ишлов бериш йўналиши бўйича)**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент- 2019

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on technical
sciences**

Якубов Лазизхан Эргашханович

Мис котишмаларини суюклантириш даврида ресурс тежамкорлигини
таъминлайдиган технологияни ишлаб чиқиш.....3

Якубов Лазизхан Эргашханович

Разработка ресурсосберегающей технологии ведения плавки медных сплавов21

Yakubov Lazizkhan Ergashkhanovich

Resource-saving technology of manufacturing melting of copper alloys38

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ВА
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.28.02.2018.Т.03.04 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ЯКУБОВ ЛАЗИЗХАН ЭРГАШХАНОВИЧ

**МИС ҚОТИШМАЛАРИНИ СУЮҚЛАНТИРИШ ДАВРИДА РЕСУРС
ТЕЖАМҚОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАЙДИГАН ТЕХНОЛОГИЯНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**05.02.01 – Машинасозликда материалшунослик. Қуймачилик. Металларга термик ва
босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металлар металлургияси
(Қуймачилик ва металларга ишлов бериш йўналиши бўйича)**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент- 2019

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/Т730 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tdtu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Тураходжаев Нодир Джахонгирович**
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Абдуллаев Фатхулла Сагдуллаевич**
техника фанлари доктори, профессор

Шазимов Анартай Олжабаевич
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: **Тошкент темир йуллар муҳандислар институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.28.02.2018.Т.03.04. рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «23» февраль соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2-уй. Тел./ факс:(99871)227-10-32, e-mail: tadqiqotchi@tdtu.uz)

Диссертация билан Тошкент давлат техника университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (112 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.:(99871)227-10-32.)

Диссертация автореферати 2019 йил «8» февраль куни тарқатилди.

(2019 йил «6» февралдаги 45 рақамли реестр баённомаси).

К.А.Каримов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Р.У.Шукуров

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, т.ф.д., профессор

Р.М.Михридинов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жахонда қора ва рангли металллар металлургияси асосида хом ашё базасини шакллантириш, турли металллардан қуйма маҳсулотлар олишда энергия ва ресурс тежамкорлигини таъминлаш масаласини хал қилиш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга мис қотишмаларини суюқлантиришда ва мис қотишмаларидан қуйма маҳсулотлар олишда ресурс тежамкор технологияларни ишлаб чиқиш чиқариш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бу борада ривожланган мамлакатлар, жумладан АҚШ, Англия, Германия, Испания, Россия, Япония, Хитой ва бошқа мамлакатларнинг илмий-тадқиқот марказларида мис қотишмаларидан сифатли маҳсулотлар олишда ресурс тежамкорликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жахонда мис қотишмаларини суюқлантиришда ресурс тежамкорлигини таъминлаш бўйича кенг қўламда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан мис қотишмаларини суюқлантириш учун фойдали иш коэффициенти юқори бўлган печ конструкцияларини ишлаб чиқиш, печ ичида суюқлантириш даврида химоя воситаси сифатида махсус флюс таркибини ишлаб чиқиш, мис қотишмаларини суюқлантириш жараёнида ресурстежамкор технологияларни қўллаш, мис қотишмаларидан қуйма маҳсулотлар олишда механик хоссаларга салбий таъсир қилувчи нометалл элементларнинг таркибга сингишининг олдини олиш режимларини ишлаб чиқиш, куйиш миқдори юқори бўлган материал ва қотишмаларни суюқлантиришда энергия ва ресурстежамкор технологияларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга суюқлантирилаётган шихта таркибига қиринди ва ишлаб чиқаришнинг бошқа чиқиндиларини қўшган ҳолда металлни қайта суюқлантиришда ресурстежамкор усул қўллаш орқали маҳсулот сифатини таъминлаш технологиясини ишлаб чиқиш зарур ҳисобланади.

Республикамизда мис қотишмаларини ишлаб чиқариш, улардан қуйма маҳсулотлар олиш кенг йўлга қўйилган бўлиб, мис қотишмаларини суюқлантиришда ресурстежамкорликни таъминлаш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «... макроиктисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ... иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш»¹ вазифаси белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, жумладан қора ва рангли металллардан сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқиш, қуйма

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўрисида»ги Фармони.

усулда олинаётган махсулотларнинг сифати, дизайни ва таннархини дунё стандартларига мослаштириш, мис қотишмаларини суюқлантириш даврида ресурстежамкор технологияларни ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасчине янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2016 йил 26 декабрдаги ПҚ-2698-сон «2017-2019 йилларда тайёр махсулот турлари, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг истиқболли лойиҳаларини амалга оширишни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3682-сон «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. “Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё олимлари томонидан мис қотишмаларини турли печларда суюқлантириш, олинаётган қотишманинг сифатини ошириш ва куйиш сабабли металлнинг йўқотилиш миқдорини камайтириш технологияларини яратиш бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Дунёнинг етакчи олимлари, жумладан Испания ва Англия тадқиқотчилари Salvador Rovira, Ignacio Montero-Ruiz ва Martina Renzi мис қотишмаларини олишда қалай рудаси билан бронзани бирга суюқлантириш технологияси устида илмий-тадқиқот ишларини олиб борганлар. Бу тадқиқотлар мис қотишмаларини суюқлантиришда қалай рудаси химоя воситаси сифатида қўлланилган ва миснинг куйиш миқдорини 5-6%га камайтиришга эришилган. Америка ва Германия олимлари Frances Hayashida, Izumi Shimada, David J Killick ва Ursula Wagner мис қотишмаларини суюқлантириш даврида оксидланиш оқибатида куйиш миқдорини тадқиқ қилиб, суюқлантириш печларининг шиббаси ва хажмининг куйиш миқдорига боғлиқлик графигини ишлаб чиқишган.

МДХ олимлари В.А.Измайлов ва А.Н.Коновалов мис қотишмаларини, жумладан алюминийли ва хромли бронзаларни суюқлантиришда куйиш миқдорини камайтиришни таъминлайдиган кальцийнинг фосфатли ва силикатли флюс таркибини ишлаб чиқишган. А.Н.Коновалов томонидан 1100-1400⁰С да цирконий ёрдамида мис оксидини тиклаш технологияси ишлаб чиқилган. Э.Б.Тен, И.Б. Бадмажапова ва Б.М.Кимановлар томонидан суюқ мисни углерод таъсирида тиклаш усуллари ишлаб чиқилган ва мисни оксидидан 3-4%га тиклашга эришилган. Шунингдек, мис қотишмаларини ишлаб чиқишда ресурс тежамкорлигини таъминлаш бўйича Ўзбекистонда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда (А.А.Юсупходжаев,

К.С.Санакулов, М.М.Якубов, А.Хасанов ва бошқалар). Ўзбек олимлари А.А.Юсупходжаев, К.С.Санакулов, А.Хасановлар таркибида 0,6-0,8% мис бўлган шлакларни қайта ишлаб, миснинг шлакдаги миқдорини икки баравар (0,3-0,4%)гача камайтириш технологиясини ишлаб чиқишган. Профессор М.М.Якубов турли материалларни тиклашда уларнинг солиштирма самарадорлик баҳосини аниқлаш схемасини ишлаб чиқган.

Мис қотишмаларини суюқлантиришда ресурс ва энергия тежамкорлигини таъминлаш соҳасида кўплаб илмий натижаларга эришилишига қарамай, ҳали ечимини топмаган муаммолар кўп. Жумладан, мис қотишмаларини суюқлантириш даврида куйиш миқдорини камайтириш асосида ресурс тежамкорлигини таъминлайдиган оптимал технология ишлаб чиқилмаган, печ ичида мис қотишмаларини суюқлантириш даврида ресурс тежамкорлигини таъминлайдиган химоя флюсининг оптимал таркиби ишлаб чиқилмаган. Юқорида келтирилган муаммолар ечимини топиш учун мис қотишмаларини суюқлантириш даврида куйиш миқдорини камайишини таъминлайдиган технологияни ишлаб чиқиш, куйиш миқдорини камайишига хизмат қиладиган химоя воситаси сифатида флюс таркибини такомиллаштириш ва суюқлантириш режимини такомиллаштириш учун тадқиқотлар ўтказиш зарур.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университети ҳамда «Олмалиқ тоғ-кон комбинати» АЖ ўртасида тузилган «24/10-02-3865/10 «Разработка флюсов и технологии электрошлакового переплава из стружки, лома, отходов цветных металлов, для получения слитков латуни, бронзы, алюминия в условиях ЦРМЗ АО «АГМК» в количестве 10 штук» (2010 й.) ва 19/13/02-1465 юр «Разработка технологии переплава шихты медных сплавов для кокильного литья в условиях ЦРА и СТ ЦРМЗ» (2013 й.) мавзусидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади мис қотишмаларини суюқлантириш даврида металлнинг куйиш миқдорини камайишини таъминлайдиган ресурстежамкор технологияни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мис қотишмаларини суюқлантириш даврида куйиш миқдорини камайиши ҳисобига ресурс тежамкорлигини таъминлайдиган технологияни ишлаб чиқиш;

мис қотишмаларини суюқлантириш даврида куйиш миқдорини камайишини таъминлайдиган химоя флюсининг таркибини ишлаб чиқиш;

мис қотишмаларини суюқлантиришда унинг оксидларидан тиклашни таъминлайдиган ишлов бериш технологиясини ишлаб чиқиш;

мис қотишмаларини суюқлантиришда куйиш миқдорини камайишини таъминлайдиган шихтани печга юклашдан олдинги қиздириш режимини ишлаб чиқиш;

мис қотишмаларини суюқлантиришда шихтанинг таркибидаги қиринди ва ишлаб чиқаришнинг металл чиқиндиларини миқдорини оширишнинг имконини берадиган суюқлантириш технологиясини ишлаб чиқиш;

мис қотишмаларининг таркибида оксид ва газ қўшимчаларининг миқдорини камайишини таъминлайдиган шихтани иситиш, суюқлантириш ва қиздириш технологияси ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида мис қотишмаларидан бронзанинг БрОЦС 5-5-5 ва латуннинг Л68, Л62 маркалари олинган.

Тадқиқотнинг предмети мис қотишмаларини суюқлантириш даврида печга юкланаётган шихтани иситиш, юкланатган шихтани суюқ ванна ичида эритиш, печ атмосфераси билан суюқ металл орасидаги химоя воситаси сифатида флюснинг турли таркиблари ёрдамида ишлов бериш технологияларини ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида мис қотишмаларни тадқиқ этишнинг замонавий назарий ва экспериментал усуллари, вакуум экстракцияси асосида қотишмадаги водород миқдорини аниқлаш, ғовак шкаласи асосида газ ғовакларини аниқлаш, сифат кўрсаткичларини аниқлашда Харрингтоннинг умумлашган сифат кўрсаткичларини аниқлаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мис қотишмаларини суюқлантириш даврида ресурстежамкорлигини таъминлайдиган юқори ҳароратли ишлов бериш технологияси ишлаб чиқилган;

таркибида 15-20% эркин углерод бўлган флюснинг такомиллаштирилган таркиби ишлаб чиқилган;

куйиш миқдорини 4-6%га камайишини таъминлайдиган шихтани печга юклашдан олдинги қиздириш режими ишлаб чиқилган;

шихтанинг таркибидаги стружка миқдорини 10-15%га оширишнинг имконини берадиган суюқлантириш технологияси ишлаб чиқилган;

таркибида оксид ва газ қўшимчаларининг миқдорини 12-14%га камайишини таъминлайдиган шихтани иситиш, суюқлантириш ва қиздириш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

мис қотишмаларини суюқлантириш даврида ресурс тежамкорлигини 4-6%га ортишини таъминлайдиган технологиянинг ишлаб чиқилган;

печга юкланаётган шихта таркибида ишлаб чиқариш чиқиндилари ва қиринди миқдорини 10-15%га ортишини таъминлайдиган технологиянинг ишлаб чиқилган;

мис қотишмаларини суюқлантиришда печ ҳароратини таъминлайдиган режимнинг ишлаб чиқилган;

мис қотишмаларини суюқлантиришда куйишнинг олдини олиш учун химоя воситаси сифатида қўлланиладиган флюс таркибининг ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги аниқ қўйилган вазифа асосида олинган, мис қотишмаларини

суюқлантиришда олиб борилган экспериментал тадқиқотларнинг кўплиги ва олинган натижаларнинг математик моделлаштириш асосида қайта ишлов берилиши, замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиш асосида аниқланган физик-механик ва эксплуатацион хоссаларининг кўрсаткичлари, ҳамда физик-математик формулалари ёрдамида ҳисобланган натижалар билан таққослаш орқали изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мис қотишмаларини суюқлантириш даврида ҳимоя воситаси сифатида қўлланиладиган флюс ташкил этувчиларининг юқори ҳароратларда кечадиган кимёвий реакцияларининг нометал кўшимчалар металл таркибига сингишига боғлиқлик даражаларини аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мис қотишмаларини суюқлантириш даврида ресурс тежамкорлигини таъминлайдиган технологиянинг ва шу технологияни амалга оширилишини таъминлайдиган флюс таркибининг қўлланилиши ресурс тежамкорлигининг 8-10%га ортишини таъминлаши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мис қотишмаларини суюқлантириш даврида ресурс тежамкорлигини таъминлайдиган технологияни ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

электршлак печида мис қотишмаларини суюқлантириш даврида электроддаги кучланишни поғонали ошириш технологияси «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ га металл йўқотишларини камайтириш учун жорий қилинган («Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖнинг 2018 йил 20 майдаги УА-10342-сон маълумотномаси). Натижада мис қотишмаларини суюқлантириш жараёнида металлнинг куйиш миқдори 15-17%га камайтириш имкони яратилган;

металл қириндисини электршлак печида суюқлантириш технологияси «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖга шихта таркибидаги қириндининг миқдорини ошириш учун жорий қилинган («Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖнинг 2018 йил 20 майдаги УА-10342-сон маълумотномаси). Натижада мис қотишмаларини суюқлантириш учун қўлланиладиган шихта таркибидаги стружка миқдорини 10-12%га ошириш имкони яратилган;

мис қотишмаларини суюқлантириш учун ишлаб чиқилган янги таркибли флюс «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖга мис қотишмаларини суюқлантиришда ҳимоя воситаси сифатида жорий қилинган («Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖнинг 2018 йил 20 майдаги УА-10342-сон маълумотномаси). Натижада мис қотишмаларини суюқлантириш даврида металл куйишининг камайиши ҳисобига сарф-харажат 1,2-1,4 мартага камайтиришга эришилган;

шихтани иситиш, суюқлантириш ва қиздириш режимлари «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖга мис қотишмаларини электршлак печларида суюқлантиришда ресурстежамкорлигини таъминлаш учун жорий қилинган («Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖнинг 2018 йил 20

майдаги UA-10342-сон маълумотномаси). Натижада мис қотишмаларини суёқлантиришда металлнинг куйиш миқдорини 10-15%га камайтириш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг тадқиқот натижалари 9 та, жумладан 5 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида ва симпозиумларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларни чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 5 та мақола, жумладан 4 таси Республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва асосий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Мис қотишмаларини суёқлантиришда ресурс тежамкорлигини таъминлайдиган печлар ва технологияларнинг тахлили**» деб номланган биринчи бобда мис қотишмаларини суёқлантиришда қўлланиладиган печларнинг турлари, уларда мис қотишмаларини суёқлантиришда кечадиган жараёнлар, печларнинг турларига кура мис қотишмаларининг таркибидаги нометалл ва газ қўшимчаларининг сингиш жараёни кўрсатиб ўтилган. Бу бобда мис қотишмаларини суёқлантиришда ресурс тежамкорлигини таъминлайдиган технологияларни ишлаб чиқиш борасида олиб борилган ва олиб борилаётган илмий тадқиқот натижалари келтирилган.

Ҳозирги кунда турли давлатларнинг корпорациялари, фирма ва ташкилотлари томонидан ишлаб чиқарилган технологиялар асосида мис қотишмаларини суёқлантириш натижасида металл йўқотишлари 1980-2000 йилларга нисбатан деярли икки мартага камайган. Дунёнинг етакчи олимлари, жумладан Испания ва Англия тадқиқотчилари Salvador Rovira, Ignacio Montero-Ruiz ва Martina Renzi мис қотишмаларини олишда қалай рудаси билан бронзани бирга суёқлантириш технологияси устида илмий-тадқиқот ишларини олиб борганлар. Бу тадқиқотлар мис қотишмаларини суёқлантиришда қалай рудаси ҳимоя воситаси сифатида қўлланилган ва натижада металлнинг куйиш миқдори 12-14%га камайишига эришилган.

Америка ва Германия олимлари Frances Hayashida, Izumi Shimada, David J Killick ва Ursula Wagner мис қотишмаларини суюқлантириш даврида оксидланиш оқибатида куйиш миқдорини тадқиқ қилиб, суюқлантириш печларининг шиббаси ва хажмининг куйиш миқдорига боғлиқлик графигини ишлаб чиқишган. Ишлаб чиқилган график асосида олиб борилган суюқлантириш технологияси куйиш миқдорини 15-17%гача камайтириш имконини берган.

МДХ олимлари В.А.Измайлов ва А.Н.Коновалов мис қотишмаларини, жумладан алюминийли бронза ва хромли бронзаларни суюқлантиришда куйиш миқдорини камайишини таъминлайдиган кальцийнинг фосфатли ва силикатли флюс таркибини ишлаб чиқишган. Ишлаб чиқилган флюс ёрдамида мис қотишмаларини суюқлантириш технологияси металл ресурсларини 20%гача тежаш имконини берган. А.Н.Коновалов томонидан 1100-1400⁰С да цирконий ёрдамида мис оксидини тиклаш технологияси ишлаб чиқилган. Бу технология асосида мис оксидини 8-10%га тиклашга эришилган. Э.Б.Тен, И.Б. Бадмажапова ва Б.М.Киманов томонидан суюқ мисни углерод таъсирида тиклаш усуллари ишлаб чиқилган. 1200-1300⁰С да қўлланиладиган ушбу тиклаш усули ёрдамида 12%гача мисни тиклашга эришилган. Ўзбек олимларининг олиб борган илмий-тадқиқот ишлари натижасида мис қотишмаларини ишлаб чиқариш шлакларидан 45-50% миқдоригача ажратиб олишга эришилган. Мис қотишмаларини ишлаб чиқишда ресурс тежамкорлигини таъминлаш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борган олимлар А.А.Юсупходжаев, К.С.Санакулов, М.М.Якубов, А.Хасановлар ишлаб чиқариш шлаклари билан банд булган 1000 кв.м. дан зиёд худудни бўшатишга эришганлар. Ўзбек олимлари А.А.Юсупходжаев, К.С.Санакулов ва А.Хасановлар таркибида 0,6-0,8% мис бўлган шлакларни қайта ишлаб, шлакдаги мис миқдорини 0,3-0,4%гача камайтириш технологиясини ишлаб чиқишган. Профессор М.М.Якубов мис қотишмаларига ишлов бериш асосида уларнинг механик хоссаларини 7-8%га ошириш технологиясини ишлаб чиқди.

Олиб борилган тадқиқотларнинг тахлили шуни кўрсатдики, мис қотишмаларини суюқлантириш даврида асосий ресурс йўқотишлари суюқлантириш даврида кечади. Металл ресурсини тежашни таъминлайдиган технологияни суюқлантириш давридаги металлнинг куйиши ва оксидланишнинг олдини олиш асосида яратиш зарур.

Диссертациянинг **«Объектларни танлаш ва тадқиқот қилиш методикасини ишлаб чиқиш»** деб номланган иккинчи бобида мис қотишмаларининг куйиш миқдорини аниқлаш усуллари, олинаётган қотишма таркибидаги газ ва оксид миқдорини аниқлаш усуллари ва олинаётган қотишманинг умумлашган сифат кўрсаткичларни аниқлашнинг Харрингтон усули келтирилган.

Мис қотишмаси таркибидаги водород миқдори вакуум экстракцияси орқали аниқланди. Бунда юқори вакуум остидаги намунадан газларнинг тўлиқ чиқишини таъминлаш учун намунани қиздириб, аввалига форвакуум насоси ёрдамида 10^{-2} мм см.уст. даражали, кейин эса диффузион насос

ёрдамида 10^{-6} - 10^{-7} мм см.уст. даражали вакуум ҳосил қилинди. Тизимдаги босимнинг ўзгариши Мак-Леод манометри ёрдамида аниқланди. Намунадан ажралган газлар қурилманинг аналитик қисмига диффузион насос ёрдамида ўтказилди. Вакуум назорати вакуумметр ВТ-3 ёрдамида амалга оширилди. Намунадаги водород миқдори тажриба пайтидаги босимнинг ўзгариши, қурилма аналитик қисмининг ҳажми, атмосфера босими, хона ҳарорати ва Мак-Леод манометридаги босим ўзгаришини ҳисобга оладиган формула орқали аниқланди.

Мис қотишмасидаги газ ғовақларини ғовақ шкаласи орқали аниқланган. Бунда намунанинг ҳар хил жойларидаги учта 1 мм^2 ўлчамдаги квадратчаларнинг ғовақлар миқдорини ғовақ шкаласи ва эталон жадвали билан солиштириш орқали амалга оширилди. Мис оксидининг миқдори фотометрик ва концентрациялар пики усулларида аниқланган. Биринчи усулда 1,0 грамм оғирликдаги тозаланган намуна реакция аралашма солинган 50 см^3 ҳажмдаги колбага жойлаштирилди. Бунда реакция эритма хона ҳароратида тайёрланди. Намунанинг эриши тугаганидан сўнг колбага 5 см^3 реакция аралашма солиниб, 10-15 дақиқа давомида $45-50^{\circ}\text{C}$ эритиш давом эттирилди. Фильтрлаб олинган эритманинг оптик зичлиги алангали фотометр ПФМ ёрдамида аниқланди. Мис оксидининг массаси унинг намунаси массасига нисбати орқали чиқарилди. Намуналар олиш учун тадқиқот индукцион печи, электр каршилиқ печи ва графитли электр ёй печларида ўтказилди. Юкланаётган шихтанинг, ваннадаги суюқ металлнинг ва электр ёй ёрдамида ишлов беришнинг ҳароратларини назорат қилиш учун ТХА –термо-электрик пирометрлардан фойдаланилди. Мис шихтасини 20°C , 200°C , 400°C ва 500°C ларгача қиздирилишидан кейин печга юкланиши амалга оширилганидаги, суюқ металл юзасида флюс бўлган ва флюс бўлмаган ҳолатидаги, графитли электродлар ёрдамида қиздириш ва суюқлантириш камераларида ишлов беришдан кейинги ҳолатлардаги намуналар олинди. Электр ёй усулида қиздириш, суюқлантириш ва қиздириш камераларида амалга оширилди. Ҳар бир усул учун 5-7 тадан намуна олинди. Намуналар олишда оксидланишнинг олдини олиш имконини берувчи чойнаксимон чўмичлардан фойдаланилди.

Олинган намуналар микроструктураси МИМ–8 металлографик микроскоп ва РЭМ–200 электрон микроскопида ўрганилди. Микрошлифлар анъанавий бўлган усуллар ёрдамида тайёрланди. Мис қотишмаси таркибидаги қўшимчалар миқдорини аниқлашда масс-спектрометрия, спектрал таҳлил усуллари қўлланилди.

Олинган мис қотишмасининг сифатини аниқлашда Харрингтоннинг истақлар функциясидан фойдаланилди. Бунда ҳар бир истақ функциясининг кўрсаткичларини хусусий истақга келтирилиб, хусусий истақлар мажмуидан умумий истақ ўртача геометрик кўрсаткич сифатида қабул қилинди. Хусусий истақ сифатида мис қотишмасидаги водороднинг миқдори, мис қотишмасидаги оксид миқдори, мис қотишмасининг чўзилишдаги мустаҳкамлик чегараси қабул қилинди.

Диссертациянинг «Мис қотишмаларини суюқлантириш даврида ресурс тежамкорлигини таъминлайдиган технологияни ишлаб чиқиш» деб номланган учинчи боби мис қотишмаларини суюқлантириш даврида ресурс тежамкорлигини таъминлайдиган технологияни, шихтани печга юклашдан олдин қиздириш ва печ ичида ишлов бериш режимларини ишлаб чиқишга бағишланган.

Тошкент давлат техника университетининг “Қуймакорлик технологиялари” ва Тошкент давлат техника университети Олмалиқ шаҳридаги филиалининг “Машинасозлик технологияси” кафедраларининг лабораториялари шароитида мис қотишмаларининг, жумладан латун ва бронзаларни суюқлантириш устида тадқиқотлар ўтказилди. Тадқиқотлар суюқлантириш жараёнининг металлнинг куйиш асосида бўладиган йўқотишларини аниқлаш, шихтани печга юклашдан олдин қиздириш режимларининг металл куйиш миқдорига таъсирини аниқлаш ва шихта таркибига ишлаб чиқариш чиқиндиларини киритиш усулларини ишлаб чиқиш устида олиб борилди. Бунинг учун кафедра лабораториясида электр печларининг қатор турлари, жумладан қаршилиқ асосида ишлайдиган қуввати 50 кг/соат бўлган электр печи, қуввати 60 кг/соат бўлган индукцион печи ва ишлаб чиқариш қуввати 25 кг/соат бўлган графит электродли электршлак печи ўрнатилди. Суюқлантириш жараёни учта режимда олиб борилди: индукцион печига шихтани қиздириб юклаш, индукцион печига шихтани қиздирмасдан юклаш, электр қаршилиқ печига шихтани қиздириб юклаш, электр қаршилиқ печига шихтани қиздирмасдан юклаш, электршлак печига шихтани қиздириб юклаш, электршлак печига шихтани қиздирмасдан юклаш.

Юклаш жараёнидан олдин шихтани олдиндан қиздириш самарасини аниқлаш учун қуввати 60 кг/соат бўлган индукцион печидан фойдаланилди. Бунда печга юклашдан олдин шихтани 20⁰С, 100⁰С, 200⁰С, 400⁰С ва 500⁰С гача қиздирилди.

Юқорида келтирилган ҳароратлардаги шихтага юклашдан олдинги ишлов беришдан ҳосил бўлган қотишма таркибидаги водород ва оксид қўшимчаларнинг миқдорининг 1- жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Шихтага юклашдан олдинги ишлов беришдан ҳосил бўлган қотишма таркибидаги водород ва оксид қўшимчаларнинг миқдори

т/р	Юкланаётган шихтанинг ҳарорати, °С	Қотишмадаги водороднинг миқдори, см ³ /100 гр	Қотишмадаги оксиднинг миқдори, %
1	20	0,60-0,62	10-12
2	100	0,55-0,60	8-10
3	200	0,52-0,55	7-8
4	400	0,40-0,42	5-6
5	500	0,33-0,35	4-5

Тадқиқот натижасида олинган кўрсаткичлар асосида тадқиқотнинг кейинги босқичи амалга оширилди, бунда электр печларини урта туридан фойдаланилди. Мис қотишмаларини суюқлантириш қуйидаги тартибда олиб борилди:

1. Печларга шихта қуйидаги ҳароратларгача қиздирилганидан кейин юкланди 200-250⁰С, 300-400⁰С, 450-550⁰С, 600-700⁰С;
2. Шихта таркибига қиринди ва ишлаб чиқариш чиқиндилари 10 дан 50% гача миқдоргача киритилди;
3. Мис қотишмаларини суюқлантириш электр қаршилиқ печи, индукцион печи ва электршлак печида бир хил режимда олиб борилди;
4. Шихта таркибидаги қиринди миқдorigа кўра печнинг танланган куввати: 10% қириндили шихта учун - 15 кг/соат, 15-25% қириндили шихта учун – 20 кг/соат ва 30-50% қириндили шихта учун - 25 кг/соат;
5. Олинаётган металл ва қуйиш миқдори аналитик тарози ёрдамида аниқланган;
6. Олинган қотишма таркибидаги газ ва оксид қўшимчаларнинг миқдори вакуум экстракцияси ёрдамида «УзАвтоИнзи» КК, «АГМК» АЖ ва «Узметкомбинат» АЖ лабораториясида амалга оширилган.

Мис қотишмаларини суюқлантиришнинг оптимал режимини аниқлаш учун биринчи босқичдаги тадқиқот ўтказилди. Бунда шихтани қиздириш учун тўртта режими танлаб олинди: 200-250⁰С, 300-400⁰С, 450-550⁰С, 600-700⁰С интервалидаги ҳароратлар. Шу билан бирга шихта таркибидаги қиринди миқдори 10 дан 50%гача миқдорда бўлди. 2 – жадвалда печга юклашдан олдин турли ҳароратларда қиздирилган шихтани суюқлантиришда олинган қотишмаларнинг таркибий ўзгариши келтирилган [2].

Жадвал 2.

Печга юклашдан олдин турли ҳароратларда қиздирилган шихтани суюқлантиришда олинган қотишмаларнинг таркибий ўзгариши.

Тартиб рақами	Суюқлантириш режими	Печга юклашдан олдин шихтани қиздириш ҳарорати, ⁰ С	Олинган қотишмадаги оксид миқдори, %
1	Индукцион печига юклашдан олдинги шихтанинг қиздирилиш ҳарорати	200-250	4-5
2		300-400	2-4
3		450-550	2-3
4		600-700	4-5
5	Қаршилиқ печига юклашдан олдинги шихтанинг қиздирилиш ҳарорати	200-250	6-7
6		300-400	4-5
7		450-550	3-4
8		600-700	5-6
9	Электршлак печига юклашдан олдинги шихтанинг қиздирилиш ҳарорати	200-250	7-9
10		300-400	6-7
11		450-550	5-6
12		600-700	7-8

Тадқиқот натижасидан кўриниб турибдики, печга юклашдан олдин шихтани 450-550⁰С ҳароратгача қиздириш самараси юқори. Бу 550-600⁰С гача қиздириш натижасида шихта юзасида газ ташкил этувчиларининг йиғилиши ва улар кейинчалик металл таркибига сингиши билан боғлиқ [3]. Шихтани олдиндан қиздириш режимини олинаётган қотишма таркибига таъсирини яққол кўриш учун тадқиқотнинг иккинчи босқичи ўтказилди. 3-жадвалда турли режимларда қиздирилган шихтани суюқлантирилганида олинаётган қотишма билан олдиндан қиздирилмаган шихтани суюқлантирилганида олинган қотишма таркиби келтирилган.

3 Жадвал.

Турли режимларда қиздирилган шихтани суюқлантирилганида олинаётган қотишма билан олдиндан қиздирилмаган шихтани суюқлантирилганида олинган қотишма таркиби

Тартиб рақами	Суюқлантириш режими	Олинган қотишмадаги водород миқдори, см ³ /100 гр	Олинган қотишмадаги оксид миқдори, %
1	Индукцион печига юклашдан олдин шихтани 200 ⁰ С ҳароратгача қиздирилган	0,34-0,36	4-5
2	Индукцион печига юклашдан олдин шихта қиздирилмаган	0,40-0,42	6-8
3	Электр қаршилиқ печига юклашдан олдин шихтани 200 ⁰ С ҳароратгача қиздирилган	0,38-0,40	6-7
4	Электр қаршилиқ печига юклашдан олдин шихта қиздирилмаган	0,44-0,46	7-8
5	Электршлак печига юклашдан олдин шихтани 200 ⁰ С ҳароратгача қиздирилган	0,52-0,54	7-9
6	Электршлак печига юклашдан олдин шихта қиздирилмаган	0,55-0,56	8-9

Келтирилган натижалардан кўриниб турибдики, электр шлак печидан олинаётган қотишма таркибида нометалл қўшимчалар миқдори юқори ва шихтани олдиндан қиздириш бу печларда маҳсулот сифатига таъсири кам. Шу билан бир қаторда, индукцион печларида шихтани печга юклашдан олдин қиздириш қотишма сифати учун катта аҳамиятга эга.

Экспериментал тадқиқотларнинг учинчи босқичида суюқ қотишмага юқори ҳароратларда ишлов бериш жараёни билан боғлиқ. Индукцион ва

қаршилик печларининг ишчи хажмдаги ҳароратлари 1800⁰С дан кам бўлгани сабабли, бу тадқиқотлар электр шлак печларида ўтказилди. Бунда 25 кг/соат ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган печдан фойдаланилди. Тадқиқотлар икки босқичда амалга оширилди: 1- босқичда ишчи хажмнинг ҳарорати 1100-1200⁰С гача етказилди; 2 – босқичда ишчи хажмнинг ҳарорати 1400-1500⁰С гача етказилди.

Ишчи хажмнинг ҳарорати остки ва устки графит электродларининг орасида ҳосил қилинган электр ёйи ҳисобига амалга оширилди. Электр ёйини ҳосил қилиш ва ҳарорат режимини таъминлаш учун электродлар орасида ўртача диаметри 40-50 мм бўлган кокс бўлақларидан, электр манбаси сифатида эса ўзгарувчан ток асосида ишлайдиган ТС-500 трансформатори қўлланилди.

Мис қотишмасини суюқлантиришда қуйидаги жараён амалга оширилди:

1. Электр ёй ҳосил қилинганидан кейин печнинг ишчи хажми 1100-1200⁰С ҳароратгача қиздирилди;
2. Печ ичига шихтани ишчи хажмнинг ҳарорати 1400-1500⁰С га етганидан кейин амалга оширилди;
3. Мис қотишмаларини суюқлантириш жараёнида суюқ ваннага 1500-1600⁰С, 1600-1700⁰С и 1700-1800⁰С ҳароратларда электр ёй ёрдамида ишлов бериш амалга оширилди;
4. Кимёвий реакцияларнинг тўлик кечиши ва турғун структура ҳосил бўлиши учун суюқ қотишмани 10-15 минут давомида сақлаб турилди;
5. Тайёр қотишмадан намуна олиш лётка орқали металл қолипга қуйиб олиш асосида амалга оширилди.

Мис қотишмаларини суюқлантирилганидан кейин унга юқори ҳароратларда ишлов беришнинг оптимал режимини аниқлаш учун тўртинчи босқичдаги тадқиқот ўтказилди. Бунда шихтани қиздириш учун тўртта режими танлаб олинди: 1500-1600⁰С, 1600-1700⁰С, 1700-1800⁰С интервалидаги ҳароратлар. 4 – жадвалда суюқлантирилганидан кейин унга юқори ҳароратларда ишлов беришнинг оптимал режимини аниқлаш таркибий ўзгариши келтирилган [6].

4-жадвал

Суюқлантирилганидан кейин унга юқори ҳароратларда ишлов беришнинг оптимал режимини аниқлаш

т/р	Суюқ қотишмага печ ичида графит ёрдамида ишлов бериш ҳарорати, ⁰ С	Қотишмадаги водороднинг миқдори, см ³ /100 гр	Қотишмадаги оксиднинг миқдори, %
1	1500-1550	0,52-0,54	5-7
2	1600-1650	0,50-0,52	5-6
3	1700-1750	0,50-0,52	5-6
4	1800-1850	0,40-0,42	2-4
5	1900-1950	0,33-0,35	2-3

Келтирилган натижалардан кўриниб турибдики, печга юкланган шихтанинг юклашдан олдинги қиздириш ҳароратидан катъий назар, юқори ҳароратларда ишлов бериш натижасида олинаётган қотишманинг таркибидаги водород ва оксид қўшимчаларнинг кескин камайиши 1800-1900⁰С ҳароратларда амалга ошади.

Тадқиқот натижаларидан шуни хулоса қилиш мумкинки, қотишма таркибидаги оксидларни, яъни металл куйишини камайтириш асосида ресурс тежамкорлигини таъминлаш учун мис қотишмаларини индукцион печларида суюқлантирганда шихтани юклашдан олдин 450-550⁰С ҳароратгача қиздириш керак. Шу билан бир қаторда электршлак печларида мис қотишмаларини суюқлантирганда суюқ қотишмага 1800-1900⁰С ҳароратда графит муҳитида ишлов бериш керак. Шу билан бир қаторда, электр шлак печларида юқори ҳарорат фақат электр ёй ҳосил қилинган локал жойда ҳосил бўлади. Ёй атрофида эса ҳарорат кескин пасайиб ишлов бериш самараси камаяди. Бу бир ҳисобдан электр ёй ҳосил қилаётган графит электродларидан ажралиб чиқаётган углерод билан боғлиқ бўлса, бошқа томондан электродлар орасида жойлаштирилган углеродли коксдан ажралаётган углероднинг мавжуд бўлиши билан изоҳланади.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулоса қилиш мумкин:

1. Индукцион, қаршилиқ ва электр шлак печларида мис қотишмаларини суюқлантириш даврида шихтани печга юклашдан олдин 400-500⁰С гача қиздириш қотишма таркибидаги водород миқдорини 0,62 дан 0,33 см³/100 гр гача камайишини таъминлайди.

2. Индукцион печларида мис қотишмаларини суюқлантиришда печга юкланаётган шихтани 450-550⁰С га қиздирилганда металлнинг куйиш миқдори 8-10%га камаяди.

3. Индукцион печи, қаршилиқ печи ва электр шлак печларида мис қотишмаларини суюқлантиришда шихтани печга юклашдан олдин 200⁰С гача қиздириш металлнинг куйишини 1-2%га камайишини таъминлайди.

4. Суюқ мис қотишмасини 1800-1900⁰С ҳароратда углерод муҳитида ишлов берилганида қотишма таркибидаги водород миқдори 60-65%га, оксид қўшимчаларнинг миқдори эса 60-55%га камайиши таъминланади.

Диссертациянинг «**Мис қотишмаларини суюқлантириш даврида ресурс тежамкорлигини таъминлайдиган ҳимоя флюсининг таркибини ишлаб чиқиш**» деб номланган тўртинчи бобида мис қотишмаларини суюқлантиришда печ атмосфераси билан суюқ металл орасида ҳимоя вазифасини бажариш учун флюс таркибини ишлаб чиқишга бағишланган.

Мис қотишмаларини суюқлантириш даврида ресурс тежамкорлигини таъминлайдиган технологияни, шихтани печга юклашдан олдин қиздириш ва печ ичида ишлов бериш режимларини ишлаб чиқиш устида олиб борилган илмий-тадқиқот ишларининг хулосасига кўра, углерод муҳитида олиб борилган юқори ҳароратдаги ишлов бериш жараёни самарали экани аниқланган. Олинган натижалардан келиб чиқиб, қўлланиладиган флюсларнинг таркиби структуранинг тақибига таъсир қилиш даражасини

аниқлашда шихтани юклаш қурилмасида 450-500⁰С гача қиздириш асосида амалга оширилди. Бунда флюсларнинг 12 та таркибидан фойдаланилди.

Тадқиқотларнинг иккинчи босқичида углероднинг юқори ҳароратларда (1828⁰С дан юқори) активлиги кескин ортиши хоссасини эътиборга олган ҳолда графитли электрод ёрдамида электр ёй печидан фойдаланилди. Ушбу қурилмада тадқиқотлар олиб бориш учун диаметри 76 мм бўлган графит электродларидан ва ТС-500 трансформаторидан фойдаланилди. Мис қотишмасининг хоссасини эътиборга олган ҳолда остки ва устки электродлар ён томонларга жойлаштирилди.

Қўлланилган флюснинг таркиби 5-жадвалда келтирилган. Хар бир флюс учун учтадан намуна олиниб, тақиқот натижаларининг аниқлигини таъминлаш мақсадида хар бир флюс таркиби алмаштирилганида суяқ ванна юзаси флюсдан тозаланиб борилди.

5-Жадвал

Қўлланилган флюснинг таркиби

№	Флюснинг кимёвий таркиби. %						
	С	CaO	NaCl	CaF ₂	SiO ₂	Fe ₂ O ₃ + FeO	Бошқалар
1	10,0	43,0	10,0	36,0	5,0	4,0	4,0
2	15,0	40,0	10,0	20,0	5,0	7,0	3,0
3	20,0	35,0	15,0	15,0	10,0	4,0	1,0
4	30,0	30,0	10,0	20,0	4,0	5,0	1,0
5	35,0	20,0	15,0	15,0	5,0	8,0	2,0
6	35,0	40,0	5,0	5,0	5,0	6,0	4,0
7	40,0	25,0	10,0	15,0	5,0	5,0	5,0
8	40,0	20,0	10,0	20,0	5,0	6,0	4,0
9	45,0	15,0	20,0	5,0	2,0	2,0	1,0
10	45,0	45,0	4,0	3,0	1,0	1,0	1,0
11	50,0	30,0	10,0	6,0	3,0	1,0	1,0
12	50,0	10,0	10,0	15,0	15,0	7,0	3,0

Иккинчи босқичдаги тажриба электр ёй печида қизиган ишчи қисмига флюс солиниб суяқлантирилди. Флюснинг ҳарорати 800 – 850⁰С га етганида мис қотишмасининг бўлаклари солинди.

Мис қотишмасининг тўлиқ суяқланиши 10-12 дақиқада амалга оширилди. Ишлов бериш жараёни самарали кечиши учун кўшимча 10 дақиқа давомида электр ёй ёрдамида ишлов берилди. Печнинг ишга туширилганидан то суяқ металл олгунга қадар 40-45 дақиқа вақт сарфланди. Олинган натижаларга кўра ҳулоса қилиш мумкинки, юқори ҳарорат (1800-1900⁰С) да мис қотишмасига углерод ёрдамида ишлов берилса, қотишма структурасидаги механик хоссаларга салбий таъсир қиладиган водороднинг 40-43% миқдори ва мис оксиднинг 55-58% миқдори қотишма таркибидан сиқиб чиқарилади. Бунда флюс таркибидаги хлор ва углероднинг мавжудлиги тикланиш реакциясининг самарасининг 35-40%га ошишини таъминлайди. Тиклашнинг асосий 60-65%ни электр ёй ҳосил қилган юқори

ҳароратда графитли электрод таркибидаги углерод бажаради. Металл таркибининг таҳлил натижалари 6-жадвалда келтирилган.

6-жадвал

Флюс ёрдамида суяқлантириш жараёнини амалга оширилганида қотишма таркибидаги нометалл қўшимчаларининг миқдори

т/р	Флюснинг т/р	Қотишмадаги водороднинг миқдори, см ³ /100 гр	Қотишмадаги оксиднинг миқдори, %
1	1	0,34-0,36	4-5
2	2	0,30-0,32	2-3
3	3	0,28-0,30	2-3
4	4	0,34-0,36	4-5
5	5	0,32-0,34	3-4
6	6	0,28-0,30	2-3
7	7	0,42-0,44	6-7
8	8	0,40-0,42	5-6
9	9	0,36-0,38	3-4
10	10	0,37-0,39	3-4
11	11	0,34-0,36	3-4
12	12	0,32-0,34	2-3

Келтирилган тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, флюснинг таркибида 15-20% миқдорда эркин углерод бўлиши олинаётган мис қотишмасининг оксидланишини, яъни куйишини 55-60%га камайишини таъминлаш учун кифоя эканини кўрамыз. Таркибида 50% миқдорда эркин углерод мавжуд бўлган флюс ҳам деярли шундай самара кўрсатди, лекин 2 ва 3 тартибдаги флюсларнинг таннархи 12 – тартибдаги флюснинг таннархидан арзонлигини эътиборга олганда, 2- ва 3- тартибдаги флюслардан фойдаланиш самарали экани кўринади.

Шундай қилиб, мис қотишмаларини суяқлантиришда ресурс тежамкорлигини таъминлаш учун ҳимоя воситаси сифатида таркибида 15-20% углерод булган СаО асосли флюс ёрдамида юқори ҳароратда ишлов бериш жараёнини амалга ошириш керак.

Мис қотишмаларини суяқлантириш даврида ресурс тежамкорлигини таъминлайдиган ҳимоя флюсининг таркибини ишлаб чиқиш учун олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулоса қилиш мумкин:

1. Мис қотишмасига углерод ёрдамида ишлов берилса, қотишма структурасидаги механик хоссаларга салбий таъсир қиладиган водороднинг миқдори 35-38%га камаяди.
2. Мис қотишмасига углерод ёрдамида ишлов берилса, қотишмадаги мис оксиднинг 45-48% миқдори қотишма таркибидан сиқиб чиқарилади.
3. Ресурс тежамкорлигини таъминлаш учун ҳимоя воситаси сифатида таркибида 15-20% углерод булган СаО асосли флюс ёрдамида 1800-1900⁰С даги юқори ҳароратларда ишлов бериш керак.

ХУЛОСА

«Мис қотишмаларини суюқлантириш даврида ресурс тежамкорлигини таъминлайдиган технологияни ишлаб чиқиш» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Индукцион печи, электр каршилиқ печи ва электршлак печларида мис қотишмаларини суюқлантириш даврида шихтани печга юклашдан олдин $400-500^{\circ}\text{C}$ гача қиздириш қотишма таркибидаги водород миқдорини 0,62 дан 0,33 $\text{cm}^3/100$ гр гача камайишини таъминиши аниқланди. Бу маълумотлар асосида электр печларидан олинadиган мис қотишмаларининг таркибидаги нометалл қўшимчаларнинг миқдорини камайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

2. Индукцион печларида мис қотишмаларини суюқлантиришда печга юкланаётган шихтани $450-550^{\circ}\text{C}$ гача қиздирилганда металлнинг куйиш миқдори 8-10%га камайиши аниқланди. Бу натижалар асосида индукцион печларидан олинadиган мис қотишмаларининг куйиш орқали бўладиган ресурс йўқотишларининг миқдорини камайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

3. Индукцион печи, электр каршилиқ печи ва электршлак печларида мис қотишмаларини суюқлантиришда шихтани печга юклашдан олдин 200°C гача қиздириш, металлнинг куйишини 1-2%га камайишини таъминланиши аниқланди. Олинган натижалар ресурс тежамкорлигини таъминлаш технологияларини ишлаб чиқиш имконини беради.

4. Суяқ мис қотишмасини 1828°C дан юқори ҳароратларда углерод муҳитида ишлов берилганида қотишма таркибидаги водород миқдори 20-22%га камайишининг таъминланиши аниқланди. Бу натижалар газ ғовақлари кам бўлган қуйма махсулотлар олиш учун мис қотишмаларини суюқлантириш даврида унга ишлов бериш режимини ишлаб чиқиш учун муҳим аҳамият касб этади.

5. Мис қотишмасига углерод ёрдамида ишлов берилса, миснинг оксидидан унинг 10-12% миқдорини тиклаш имкони яратилади. Бу натижалар мис қотишмаларини суюқлантиришда ҳимоя флюсларининг таркибини ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

6. Ресурс тежамкорлигини таъминлаш учун ҳимоя воситаси сифатида таркибида 15-20% углерод булган СаО асосли флюс ёрдамида $1800-1900^{\circ}\text{C}$ даги юқори ҳароратда ишлов бериш керак. Олинган натижалар ресурс тежамкорлигини таъминлаш технологияларини амалга оширишда ҳимоя флюсларининг самарали таркибини ишлаб чиқиш учун хизмат қилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.28.02.2018.Т.03.04 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ И НАЦИОНАЛЬНОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ЯКУБОВ ЛАЗИЗХАН ЭРГАШХАНОВИЧ

**РЕСУРСОСБЕРЕГАЮЩАЯ ТЕХНОЛОГИЯ ВЕДЕНИЯ ПЛАВКИ
МЕДНЫХ СПЛАВОВ**

**05.02.01 – Материаловедение в машиностроении. Литейное производство.
Термическая обработка и обработка металлов давлением. Металлургия чёрных,
цветных и редких металлов (Литейное производство и обработка металлов)**

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2018.2.PhD/Т730.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб-странице (www.tdtu.uz) и информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Тураходжаев Нодир Джахонгирович**
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Абдуллаев Фатхулла Сагдуллаевич**
доктор технических наук, профессор

Шазимов Анартой Олжабаевич
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация: **Ташкентский институт инженеров
железнодорожного транспорта**

Защита диссертации состоится «23» февраля 2019 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.28.02.2018.Т.03.04. при Ташкентском государственном техническом университете и Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100095, г.Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел./ факс:(99871)227-10-32, e-mail: tadqiqotchi@tdtu.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного технического университета (зарегистрирована за № 112). (Адрес: 100095, г. Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел.:(99871)227-10-32.)

Автореферат диссертации разослан «8» февраля 2019 года.

(реестр протокола рассылки № 45 от «6» февраля 2019 года).

К.А.Каримов

Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., профессор

Р.У.Шукуров

Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., профессор

Р.М.Михридинов

Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии по техническим наукам (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире формирование сырьевой базы чёрных и цветных металлов, а также обеспечение ресурсо-и энергосбережения имеет особое значение. Вместе с тем, разработка ресурсосберегающих технологий при плавке медных сплавов и получения из них литых изделий является одним из важных задач. В этом отношении в ряде научно-исследовательских центрах ведущих стран мира, в том числе в США, Англии, Германии, Испании, России, Японии, Китае и других стран особое внимание уделяется получению качественных изделий из медных сплавов при обеспечении ресурсосбережения.

В мире ведутся обширные научно-исследовательские работы по обеспечению ресурсосбережения при плавке медных сплавов. В этом направлении, в частности, в разработке конструкций печей для плавки медных сплавов с высоким коэффициентом полезного действия, в разработке состава флюса для плавки в печи, в применении ресурсосберегающей технологии для плавки медных сплавов, в разработке режимов плавки способствующих предотвращению диффундирования неметаллических включений в расплав, в разработке технологий плавки легкоокисляемых сплавов с минимальными потерями на угар являются актуальными задачами. Вместе с тем, разработка технологии обеспечивающей получению качественных изделий при плавке стружки и отходов производства является важной задачей.

В нашей Республике широко используется производство медных сплавов и получение из них литых изделий, а также применяются меры по обеспечению ресурсосбережения при плавке медных сплавов. В Стратегии Развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годы, отмечаются задачи, в частности «... укрепление стабильности макроэкономики и удержание высоких темпов развития экономики, повышение конкурентоспособности национальной экономики, ... снижение ресурсо-и энергозатрат в экономике, широкое внедрение в производство технологий обеспечивающих энергосбережений»². Выполнение этих задач, в частности производство качественных изделий из чёрных и цветных металлов и их сплавов, обеспечение соответствия получаемых литых изделий мировым стандартам по качеству, дизайну и себестоимости, разработка ресурсосберегающей технологии ведения плавки медных сплавов считается одним из важных задач.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», в Постановлениях

² №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

№ ПП-2698 от 26 декабря 2016 года «О мерах по дальнейшей реализации перспективных проектов локализации производства готовых видов продукции, комплектующих изделий и материалов на 2017-2019 годы», № ПП-3682 от 27 апреля 2018 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы практического внедрения инновационных идей, технологий и проектов», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики II «Энергетика, энергия и ресурсосбережение».

